

**Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва муаллифлик  
назоратини олиб бориш бўйича  
ШАРТНОМА № 28/22 н**

2022 йил “ 17 ” ноябр

Бухоро шаҳри

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси номидан Низом асосида иш кўрувчи Д.Рўзиев, бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “Diamond Network” ХК номидан Низом асосида иш юритувчи С.Хамдамов, иккинчи томондан, ҳудудий бошқарманинг 18.03.2022 йил №18-и/ч-сонли буйруғига асосан ташкил этилган Танлов комиссиясининг №\_178675-сонли лот бўйича “\_15\_”\_11\_2022 йил №\_18/22\_-сонли йиғилиш баёнига асосан қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар;

### I. Шартнома предмети

1. Бажарувчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Бухоро вилояти Шофиркон туман “Темирчи” МФЙ ҳудудидаги аҳоли пунктларида ичимлик сув тармоқларини тортиш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш (топосёмка, экспертиза, АПЗ) ва қурилиш бориши устидан муаллифлик назоратини амалга ошириш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Бажарувчига мазкур ишларни бажариш учун тегишли ҳужжатларни (нуксон далолатномаси, техник шартлар ва х.к.) тақдим этиш, ишларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### II. Шартнома бўйича ишлар қиймати

2. Мазкур шартнома умумий қиймати танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг “\_15\_”\_11\_2022 йил №\_18/22\_-сонли йиғилиш баёнига асосан барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **49 300 000 (қирқ тўққиз миллион уч юз минг)** сўмни ташкил этади.

3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- иш ҳажми қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### III. Бажарувчи ва Буюртмачининг мажбуриятлари

5. Агар ишнинг бажарилиши давомида салбий натижага эришилиши аниқланган тақдирда барча ишларни тўхтатиб, ҳолат тўғрисида уч кунлик муддат ичида Буюртмачини хабардор қилиш;

6. Буюртмачидан махфий маълумотлар олган тақдирда Бажарувчи томонидан ушбу маълумотларни маълум қилмаслик ва Буюртмачининг руҳсатисиз учинчи шахсларга бермаслик;

7. «Бажарувчи» ишни сифатли бажариши, ҳужжатларни барча илмий техникавий ва иктисодий талабларга ва меъёрларга, Ўзбекистон Республикаси ўрнатилган барча қонунларга риоя этилган ҳолда бажаришга;

8. Бажарувчи томонидан Буюртмачининг барча кўрсатмаларини бажариш ва бажарилаётган ишлар тўғрисида мунтазам равишда ахборот тақдим қилиш;

9. Бажарувчи томонидан смета ҳужжатларини экспертиза органларида химоя қилишда иштирок этиш.

10. Буюртмачи ишлар бажарилиши устидан доимий назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Бажарувчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Бажарувчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

11. Шартнома талабларига кўра аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш.

### III. Ишларни бажариш муддати

12. Бажарувчи мазкур шартномага мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.



13. Танлов натижаси бўйича аниқланган ишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **5 (беш) кунни** ташкил этади, қурилиш бориши устидан муаллифлик назоратини амалга ошириш ишлари эса мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланувчи №1-иловага асосан амалга оширилади.

#### **V. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар**

14. Буюртмачи Бажарувчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 фоиз миқдоридан, яъни **14 790 000 (ўн тўрт миллион етти юз тўқсон минг)** сўм бўнак пул маблағини ўтказди.

15. Бажарилган ишлар учун шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб ишлари шартнома бўйича барча ишлар тўлиқ бажарилган ва белгиланган тартибда қабул қилингандан сўнг тўлиқ ҳажмда амалга оширилади:

16. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Бажарувчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

#### **VI. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

17. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

18. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Бажарувчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун кўриладиган чораларни муҳокама қиладилар.

19. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### **VII. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

20. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

21. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоиз миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

22. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

23. Бажарувчи мазкур шартномага асосан ўз зиммасига олган лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш ва қурилиш бориши устидан муаллифлик назоратини амалга ошириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.



Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида баргараф этилмагани учун Бажарувчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,1 фоиз миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Бажарувчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди.

24. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун шартнома талабларини бузган томон иккинчи томондан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

25. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

### VIII. Низоларни ҳал этиш тартиби

26. Мазкур шартнома юзасидан келиб чиқадиган барча низоли масалалар томонлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади. Низолар музокаралар орқали ҳал этилмаган тақдирда даъвогар жойлашган туманлараро иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

### IX. Алоҳида шартлар

27. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, томонлар ўртасида мазкур шартномага тегишли бўлган барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

28. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

29. Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

30. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

31. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди. Шартноманинг амал қилиш муддати 31.12.2022 йилга қадар, мажбуриятларни бажариш қисми бўйича эса мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунга қадар.

### XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

#### БУЮРТМАЧИ:

«СТОСОҚБ ИК» УК Бухоро вилоят  
худудий бошқармаси

Манзил: Бухоро ш. Б.Накшбанд куч. 299  
Х/р \_\_\_\_\_

ИНН 305 975 413 ОКЭД 42210

Бухоро вилоят Газначилик бошқармаси

Газн.х/р 2340 2000 3001 0000 1010

МБ ББ ХККМ Тошкент ш. МФО 00014

ИНН қаз.под. 201 122 919

Тел. (065) 222 74 13

Раҳбар: \_\_\_\_\_ Д.Рўзиёв

Иқтисод бўйича муовин \_\_\_\_\_

Бош ҳисобчи \_\_\_\_\_

Ҳуқуқшунос \_\_\_\_\_

Маркетинг \_\_\_\_\_

#### БАЖАРУВЧИ:

«Diamond Network» ХК

Манзил: Бухоро туман Истиқлол КФЙ

Х/р 2020 8000 9007 1007 2001

Банк: Ипотека банк Бухоро вилоят филиали

МФО 00088 ИНН 304 508 390

Тел. 998 99 -700 90 90

Раҳбар: \_\_\_\_\_ С.Хамдамов

